



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 07 | pp. 265-272 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>TRANSPORT TASHKILOTLARIDA MOLIYAVIY ҲОЛАТ АУДИТИНИНГ
УСЛУБИЙ МАСАЛАЛАРИ

Худайбердиев Бахтиёржон Марибжон ўғли,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти,
e-mail: xudayberdiyev9191@mail.ru

Аннотация: Мазкур мақолада транспорт ташкилотларида молиявий ҳолат аудитининг услубий масалалари таҳлил қилинган. Молиявий ҳолатни баҳолашда қўлланиладиган аудиторлик методологиялари, стандартлар ва амалий ёндашувлар ўрганилган. Шунингдек, тадқиқотда транспорт ташкилотларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида молиявий кўрсаткичлар ва хавфларни баҳолаш усуллари ҳамда ички назорат тизимининг аҳамияти кенг ёритилган. Изланишлар натижалари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: молиявий ҳолат, аудит услублари, транспорт ташкилотлари, молиявий таҳлил, аудиторлик стандартлари, молиявий кўрсаткичлар, хавфларни баҳолаш, ички назорат тизими, молиявий ҳисобот, ташқи аудит.

Аннотация : В данной статье проанализированы методологические вопросы аудита финансового состояния транспортных организаций. Изучены аудиторские методологии, стандарты и практические подходы, применяемые при оценке финансового состояния. Также в исследовании широко освещено значение финансовых показателей и методов оценки рисков, а также системы внутреннего контроля с целью повышения экономической эффективности транспортных организаций. По результатам исследования представлены научные предложения и практические рекомендации.

Ключевые слова: финансовое состояние, методология аудита, транспортные организации, финансовый анализ, аудиторские стандарты, финансовые показатели, оценка рисков, система внутреннего контроля, финансовая отчетность, внешний аудит.

Annotation: This article analyzes the methodological issues of auditing the financial condition of transport organizations. The audit methodologies, standards, and practical approaches used in assessing financial condition are examined. Additionally, the study extensively covers the significance of financial indicators, risk assessment methods, and the internal control system to enhance the economic efficiency of transport organizations. Based on the research results, scientific proposals and practical recommendations are provided.

Key words: financial condition, audit methodology, transport organizations, financial analysis, auditing standards, financial indicators, risk assessment, internal control system, financial reporting, external audit.

Кириш

Мамлакатимизда транспорт соҳаси иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, унинг барқарор ва самарали фаолияти умумий иқтисодий ўсишга бевосита таъсир кўрсатади. Транспорт ташкилотларининг молиявий ҳолатини аниқ ва ҳолисона баҳолаш, уларнинг иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш, шунингдек, хавфларни баҳолаш ва ички назорат тизимларини ривожлантириш уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун, ушбу мавзудаги изланишлар ва амалиётдаги янги ёндашувларнинг татбиқи Ўзбекистондаги транспорт ташкилотларининг самарадорлигини оширишда муҳим восита сифатида долзарб саналади.

Молиявий ҳолат аудити, унинг услубий масалаларини такомиллаштириш транспорт ташкилотлари фаолиятини шаффофлаштириш ва самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунига мувофиқ, ташкилотлар ўз молиявий ҳолатларини ҳисобга олишда аниқ ва ишончли маълумотлар беришлари талаб қилинади. Бу эса, ўз навбатида, аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва унинг методологиясини ривожлантиришни долзарб қилади. Ушбу ҳужжатлар ва қонунчилик базаси негизида транспорт ташкилотларининг молиявий ҳолатини аниқ баҳолаш, уларнинг фаолиятидаги хавфларни баҳолаш ва ички назорат тизимларини такомиллаштириш Ўзбекистон иқтисодиёти учун жуда муҳим ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Транспорт ташкилотларида молиявий ҳолат аудитининг услубий масалалари корхонанинг молиявий барқарорлигини баҳолашда сезиларли афзалликлар беради. Бир қатор мутахассислар ва тадқиқотчилар бу борада ўз ишларини олиб борганлар ва ўз тадқиқотларида турли ёндашувларни тақлиф қилганлар.

Гришко С.А. тадқиқоларида транспорт ташкилотларининг молиявий ҳолатини баҳолаш ва аудитига оид услубий масалалар кўриб чиқилган. Муаллиф транспорт корхоналарининг молиявий кўрсаткичларини таҳлил қилиш, хавфларни баҳолаш ва аудиторлик текширувларини самарали ўтказиш усулларига алоҳида эътибор қаратган. Унинг тадқиқотлари молиявий аудиторлик методологиясини амалий жиҳатдан тадқиқ қилишга ёрдам беради [3].

Ковалева Т.В.нинг тадқиқоти молиявий аудитнинг умумий методологиясига бағишланган бўлиб, унда турли соҳаларда, жумладан, транспорт ташкилотларида ҳам молиявий аудиторлик текширувларини ўтказишнинг услубий масалалари ёритилган. Тадқиқот ишида молиявий кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва аудиторлик стандартларини қўллашга оид назарий ва амалий маълумотлар акс эттирилган [4].

Шевчук Д.А.нинг тадқиқоти транспорт ташкилотларида молиявий аудиторлик текширувлари ўзига хос хусусиятлари ва методологиясига бағишланган. Муаллиф

транспорт секторининг иқтисодий хусусиятлари ва уларнинг молиявий ҳолатини баҳолашдаги муаммоларни ёритган. Шевчукнинг иши, транспорт ташкилотларида аудиторлик фаолиятининг самарадорлигини оширишда йўналтирилган илмий ва амалий тавсияларни ўз ичига олган.

Мазкур адабиётлар транспорт ташкилотларида молиявий ҳолат аудитининг услубий масалалари тўлиқ ёритиб, ташкилотлар учун амалий тавсиялар ва кўрсатмалар манбаи бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот методикаси

Мақолада тизимли ёндашув, таҳлил ва синтез, қиёсий таҳлил, гуруҳлаш, индукция ва дедукция, мантикий хулосалаш, статистик маълумотларни таққослаш ва бошқа усуллар қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар

Транспорт ташкилотлари иқтисодийнинг стратегик тармоғи сифатида нафақат ички бозорни, балки экспорт ва импорт операцияларини ҳам самарали бошқаришда муҳим рол ўйнайди. Шу боис, ушбу ташкилотларнинг молиявий ҳолатини аниқ ва ишончли баҳолаш, уларнинг иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш ва хавфларни самарали бошқариш ўта муҳим вазифалардан биридир.

Транспорт ташкилотларининг молиявий ҳолатини баҳолаш уларнинг барқарорлигини, ишлаб чиқариш имкониятларини ва ташқи қарзларга бўлган боғлиқликни аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Молиявий ҳолатни баҳолаш орқали ташкилотлар ўзларининг даромад ва харажатларини мониторинг қилиш, активлар ва пассивларни баҳолаш, ликвидликни аниқлаш имкониятига эга бўлади. Бу жараён молиявий барқарорликни таъминлаш ва молиявий хатарларнинг олдини олиш учун муҳим ҳисобланади.

Транспорт ташкилотларида молиявий ҳолат аудити ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларнинг иқтисодий кўрсаткичлари турли хил хавфларга ва ташқи омилларга боғлиқ. Шунинг учун, аудиторлик текширувларини ўтказишда махсус методологиялар ва стандартлар қўлланилиши зарур. Аудиторлик методологияси, жумладан, ташкилотнинг молиявий ахборотини тўплаш, таҳлил қилиш ва баҳолашни ўз ичига олади. Бу жараёнда аудиторлар жуда кўп миқдордаги маълумотларни, жумладан, молиявий ҳисоботларни, бухгалтерия кўрсаткичларини, бюджетларни ва пул оқимлари ҳисоботларини кўриб чиқишлари лозим.

Молиявий кўрсаткичларнинг таҳлили транспорт ташкилотларининг ишлаб чиқариш имкониятларини аниқлаш, уларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш ва ҳужжатларнинг тўғрилигини текширишда муҳим аҳамиятга эга. Таҳлил жараёнида асосий эътибор даромадлар ва харажатлар орасидаги мувозанатга, молиявий оқимлар тўғрилигини таъминлашга, ҳамда қарзларнинг тўланиш қобилиятига қаратилади. Бундан ташқари, молиявий кўрсаткичларнинг таҳлили транспорт ташкилотларининг молиявий аҳолини ўз вақтида яхшилаш учун керак бўладиган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Транспорт ташкилотларида хавфларни баҳолаш ва уларни бошқариш муҳим аҳамият касб этади. Ташкилотлар молиявий операцияларнинг тўғри бажарилишини таъминлаш учун ички назорат тизимларини ривожлантиришлари лозим. Ички назорат тизими молиявий жараёнларнинг шаффофлигини ва

аниқлигини таъминлайди, хатолар ва қонунбузарликларнинг олдини олишга ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, ташкилотнинг молиявий ҳолатини яхшилашга ва унинг бозордаги ишончини оширишга олиб келади.

Транспорт ташкилотларининг молиявий ҳолатини баҳолаш ва аудити Ўзбекистондаги амалдаги қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан узвий боғлиқ. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунига мувофиқ, ташкилотлар ўз молиявий ҳисоботларини аниқ ва ишончли шаклда беришлари талаб қилинади. Шунингдек, транспорт соҳаси бўйича қабул қилинган давлат қарорлари ҳам ушбу ташкилотларнинг молиявий ҳолатини назорат қилиш ва баҳолашда муҳим ўрин тутаяди. Бу қонунчилик ҳужжатлари аудиторлик текширувларини ўтказишда асос бўлиб хизмат қилади ва уларнинг самарадорлигини таъминлашда ёрдам беради.

Молиявий ҳолат аудити — бу ташкилотнинг молиявий ҳисоботларини текшириш ва уларнинг ишончилиги, аниқлиги ҳамда халқаро ва миллий стандартларга мувофиқлигини баҳолаш жараёнидир.

Молиявий ҳолат аудитининг асосий мақсади — ташкилотнинг молиявий ҳолатини реал акс эттирувчи маълумотларни текширишдир. Бу жараёнда аудиторлар ташкилотнинг барча молиявий операцияларини таҳлил қиладилар ва молиявий ҳисоботларда уларнинг тўғри акс эттирилганлигини баҳолайдилар. Ушбу жараёнда ташкилотнинг активлари, мажбуриятлари, даромадлари ва харажатлари ҳақидаги маълумотлар аниқ ва ишончли бўлиши зарур.

Молиявий ҳисоботлар қонунчилик ва амалдаги халқаро ва миллий стандартларга мувофиқ бўлиши керак. Транспорт ташкилотларидаги молиявий ҳолат аудитининг вазифаси бу меъёрларга мувофиқликни текширишдан иборат. Бунинг учун аудиторлар МХХС (IFRS) ва Ўзбекистондаги миллий бухгалтерия ҳисоботи стандартларига амал қилишни назорат қиладилар.

Транспорт ташкилотларининг активлари кўпинча катта капитал сармоялар ва мураккаб активлардан иборат бўлади. Бу активлар ва мажбуриятларни тўғри баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун аудиторлар молиявий ҳисоботларда активлар, айниқса, транспорт воситалари, қурилмалар ва бошқа асосий воситалар тўғри баҳоланганлигини текширишлари лозим.

Молиявий ҳолат аудитининг вазифаларидан бири — ташкилотнинг молиявий хавф-хатарларини аниқлаш ва баҳолашдир. Бу хавф-хатарлар ичига ликвидлик муаммолари, қарз мажбуриятларининг юқори даражаси, молиявий барқарорликни сақлаш муаммолари кабилар киради. Аудиторлар ушбу хавф-хатарларни аниқлаб, уларнинг молиявий аҳволга қандай таъсир кўрсатиши мумкинлигини баҳолайдилар.

Аудиторлик текширувлари натижалари асосида ташкилотнинг молиявий назоратини яхшилаш учун тавсиялар берилди. Бу тавсиялар молиявий ҳисоботларни аниқ ва самарали юритиш, молиявий қарорларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиши лозим.

Транспорт ташкилотларининг молиявий аҳволи барқарорлиги фаолиятнинг давомийлиги учун муҳим аҳамиятга эга. Аудиторлар ташкилотнинг молиявий аҳволини баҳолаб, унинг барқарорлигини таъминлаш учун керакли чора-

тадбирларни тавсия қиладилар. Бу вазифалар ташкилотнинг даромадлари ва харажатлари мувозанатини сақлаш, ликвидликни назорат қилиш ва капитал сармояларнинг самарали фойдаланилиши каби масалаларни қамраб олади.

Молиявий ҳолат аудитини амалга оширишда қўлланиладиган услублар ва усуллар жуда муҳим аҳамиятга эга. Транспорт ташкилотлари аудитида қўлланиладиган асосий услублар қуйидагилар:

Вертикал ва горизонтал таҳлил: Ҳисоботлар бўйича кўрсаткичларнинг ўзгариш динамикасини ва уларнинг ўзаро нисбатини аниқлаш.

Молиявий коэффицентлар таҳлили: Ликвидлик, қарздорлик, рентабеллик каби кўрсаткичларни таҳлил қилиш.

Мақсадли тестлар ва текширувлар: Ушбу усул транспорт ташкилотларидаги активлар ва мажбуриятлар, шунингдек, даромадлар ва харажатлар ҳақидаги маълумотларнинг ишончлилигини таъминлайди.

1-жадвал.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2017-2021 йиллардаги молиявий ҳолатини ифодаловчи айрим кўрсаткичлар таҳлили¹

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2017	2018	2019	2020	2021
1.	Юк айланмаси	млн.тн-км	20 778	20 942	21 531	22 957	25 520
2.	Даромадлар	млн.сўм	5 359 432	7 529 204	8 512 929	9 605 380	10 372 437
3.	Харажатлар	млн.сўм	3 944 032	6 054 431	6 339 278	7 479 028	8 817 555
4.	Молиявий фаолиятдан олинган даромад	млн.сўм	506 789	173 605	392 505	406 392	737 259
5.	Молиявий фаолият бўйича зарарлар	млн.сўм	833 455	735 470	2 918 856	2 478 207	2 053 847
6.	Фойда (умумий)	млн.сўм	1 088 734	912 908	-352 700	54 537	238 294
7.	Фойда (асосий фаолият)	млн.сўм	1 415 400	1 474 773	2 173 651	2 126 352	1 554 882
8.	Рентабеллик (умумий)	%	27,6	15,1	-5,6	0,7	2,7
9.	Рентабеллик (асосий фаолият)	%	35,9	24,4	34,3	28,4	17,6

Юқоридаги таҳлилдан кўриниб турибдики, транспорт ташкилоти молиявий кўрсаткичларида турли йилларда кескин ўзгаришлар содир бўлган. Айниқса, 2019 йилдаги салбий кўрсаткичлар ташкилотнинг молиявий барқарорлигига жиддий таъсир кўрсатган. 2021 йилга келиб, айрим кўрсаткичлар тикланган бўлсада, умумий рентабеллик ва фойда даражаси ҳанузгача паст бўлиб қолмоқда. Шунинг учун, ташкилот ўзининг харажатларини қайта кўриб чиқиши, даромадларни ошириш учун самарали чора-тадбирларни амалга ошириши ва молиявий барқарорликни таъминлашга қаратилган стратегик режаларни ишлаб чиқиши зарур.

¹ Муаллиф ишланмаси.

Келтирилган 2-жадвалда “Ўзтемирйўлконтейнер” АЖнинг 2021-2023 йиллар давомида турли даромад турлари бўйича динамикаси кўрсатилган. Ушбу таҳлил давомида ҳар бир даромад тури бўйича ўсиш суръатлари ва уларнинг умумий молиявий ҳолатга таъсири кўриб чиқилган.

2-жадвал

**“Ўзтемирйўлконтейнер” АЖнинг даромад турлари
динамикаси², минг сўм**

Коърсаткичлар	Таҳлил қилинаётган давр		
	2021 йил	2022 йил	2023 йил
1.Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан соф тушум	159 925 533	163 632 153	188 461 015
Ўсиш суръати,%	-	102,32	115,17
2.Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	6 303 146	13 858 928	41 739 474
Ўсиш суръати,%	-	219,87	301,17
3.Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами	26 966 974	21 714 300	36 965 206
Ўсиш суръати,%	-	80,52	170,23
3.1.Дивидендлар шаклидаги даромадлар	73 273	874 357	105 764
Ўсиш суръати,%	-	1193,29	12,1
3.2.Фоишлар шаклидаги даромадлар	0	3 200 835	7 035 621
Ўсиш суръати,%	-	0	219,81
3.4 Валюта курси фарқидан даромадлар	21 161 901	11 741 616	29 823 821
Ўсиш суръати,%	-	55,48	254,00
4.Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	5 731 800	5 897 492	0
Ўсиш суръати,%	-	102,89	0

Таҳлилдан кўриниб турибдики, “Ўзтемирйўлконтейнер” АЖнинг 2021-2023 йиллар давомидаги даромадлари динамикаси барқарор ўсишни кўрсатмоқда. Асосий фаолиятдан тушумлар, асосий фаолиятдан бошқа даромадлар ва валюта курси фарқидан даромадларнинг юқори суръатда ўсиши компаниянинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаётганини кўрсатади. Бироқ, дивидендлар ва бошқа молиявий фаолиятлардан даромадлар ўртасидаги ўзгаришлар компаниянинг мазкур йўналишларда қайта кўриб чиқиш керак бўлган жиҳатлари борлигини англатади.

² “Ўзтемирйўлконтейнер” АЖ маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Хулоса ва таклифлар

Транспорт ташкилотларида молиявий ҳолат аудитининг услубий масалалари юқоридаги масаланинг долзарблиги ва муҳимлигини тасдиқлайди. Бугунги кунда транспорт ташкилотларининг молиявий барқарорлиги ва самарадорлиги нафақат уларнинг ўзи учун, балки иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Ташкилотларнинг молиявий ҳолатини тўғри ва холисона баҳолаш, уларнинг молиявий кўрсаткичларини таҳлил қилиш, хавфларни баҳолаш ва ички назорат тизимини ривожлантириш жуда муҳим вазифалардир. Тадқиқотлар кўрсатганидек, ушбу жараёнларнинг самарадорлиги ва шаффофлиги учун аудиторлик методологияларининг юқори даражада ишлаб чиқилганлиги талаб қилинади.

Транспорт ташкилотларида молиявий ҳолатни аниқ баҳолаш учун аудиторлик методологиялари ва стандартларининг такомиллаштирилиши зарур. Самарали аудиторлик текширувлари учун ҳар бир ташкилотнинг ўзига хос хусусиятлари ва хавфларини инобатга олган ҳолда, махсус методологиялар ишлаб чиқилиши зарур.

Тадқиқотларда кўрсатилганидек, молиявий кўрсаткичларни аниқ таҳлил қилиш ва уларга асосланган баҳолаш методлари транспорт ташкилотларининг барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Бунда даромадлар ва харажатлар балансини аниқлаш, фоизларни ҳисоблаш ва ликвидликни баҳолаш каби жараёнлар муҳим аҳамият касб этади.

Молиявий ҳолатни таҳлил қилишда ички назорат тизимининг ривожлантирилганлиги катта аҳамиятга эга. Ушбу тизим молиявий жараёнларнинг холис ва шаффоф бўлишини таъминлайди, шунингдек, хатолар ва қонунбузарликларни аниқлашга ёрдам беради.

Ўзбекистондаги ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар асосида транспорт ташкилотларида молиявий ҳолат аудитининг шаффофлиги ва самарадорлигига катта эътибор қаратилади. Шунинг учун, амалдаги қонунчиликни инобатга олган ҳолда, аудиторлик текширувларини ўтказиш услубларини такомиллаштириш муҳимдир.

Хулоса қилиб айтганда, транспорт ташкилотларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, самарадорликни ошириш ва хатарларни бошқариш учун аниқ ва холисона аудиторлик текширувларини ўтказиш жуда муҳимдир. Аудиторлик методологиялари ва стандартларини такомиллаштириш орқали, транспорт ташкилотларининг молиявий ҳолатини яхшилаш ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш мумкин. Шунингдек, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиш ва ички назорат тизимларини ривожлантириш ташкилотларнинг молиявий жараёнларини шаффоф ва самарали қилишга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. International Financial Reporting Standards (IFRS).
2. Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонуни.
3. Гришко С.А., «Аудит финансового состояния транспортных предприятий», Москва, 2015..

4. Ковалева Т.В., "Методология аудита финансового состояния предприятий", Санкт-Петербург, 2017.
5. Шевчук Д.А., "Особенности аудита в транспортных организациях", Москва, 2019.
6. Хасанов Б.А., Аликулов А.И., Джуманова А.Б., Суюнов Ё.Б., Хасанова Р.Б. Амалий бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисодиёт, 2020. – 288 б.
7. Хасанов Б.А., Нурманов К.Т., Ҳасанова Р.Б. Замонавий бошқарув ҳисоби. Дарслик. – Т.: // «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2021 – 416 б.
9. Хасанов Б.А. ва бошқ. Молиявий таҳлил. Дарслик. – Т.: «Иқтисодиёт», 2019. 736 б.
10. Пардаев А.Х., Пардаева З.А. Бошқарув ҳисоби. –Тошкент, 2014.–318б.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

